

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА НИГОРА КАРИМОВНА**

**ТУЗЛИ СТРЕСС ШАРОИТИДА ЎСТИРИЛГАН САФЛОР ВА УЧ  
ТУРДАГИ КРАМБЕ УРУҒЛАРИНИНГ ЛИПИДЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашева Нигора Каримовна**

Тузли стресс шароитида ўстирилган сафлор ва уч турдаги крамбе  
уруғларининг липидлари..... 3

**Юлдашева Нигора Каримовна**

Липиды семян сафлора и трех видов крамбе, выращенных в условиях  
солевого стресса ..... 23

**Yuldasheva Nigora Karimovna**

Lipids of safflower seeds and three types of krambe grown under  
salt stress ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА НИГОРА КАРИМОВНА**

**ТУЗЛИ СТРЕСС ШАРОИТИДА ЎСТИРИЛГАН САФЛОР ВА УЧ  
ТУРДАГИ КРАМБЕ УРУҒЛАРИНИНГ ЛИПИДЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T864 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация акад. С.Ю. Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гусакова Светлана Дмитриевна кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Арипова Салимаҳон Фозиловна кимё фанлари доктори, профессор Бобоев Баҳром Нурилласвич кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD 27.06.2017. К.05.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «28» декабрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Муррабийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-91; e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru.)


Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ~~20~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Фарғона ш., Муррабийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+99873) 244-44-02.


Диссертация автореферати 2019 йил «14» декабрь куни тарқатилди.

(2019 йил «14» декабрь даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



  
В.У. Хўжаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., профессор

  
М. Нишонов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

  
И.А. Абдуг'афуров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда худудларнинг шўрланиши, агро ва биоценоз ҳосилдорлигининг камайишига, био хилма хиллик пасайишига ва иқтисодий йўқотишларга олиб келиши аниқланди. Шунинг учун кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришдаги асосий йўналишлардан бири озиқ-овқат, озуқа ва техник маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шўрланган майдонлар ва суғориладиган шўр сувларни тиклаш ва улардан фойдаланиш усуллари излашдир. Унинг ечимини ҳал қилиш учун ўсимликларнинг туз стрессига кўникиш механизмларини ўрганиш ва емирилган ерларни қайта тиклай оладиган истиқболли турларини танлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон амалиётида шўрланган худудларни тиклаш усулларида бири бу шўрга бардошли ўсимликлар (галофитлар) нафақат фиторемедиаторлар сифатида самарали, балки озиқ, ёғлилик ёки доривор экин сифатида саноат аҳамиятига эга. *Carthamus tinctorius* (сафлор), *Crambe* каби галофит ўсимликларни етиштириш бўйича, қуйидаги йўналишларда, яъни шўрланган ерларда етиштирилган галофитларни кимёвий таркиби, биологик фаоллигини аниқлаш; ўсимликлар уруғларининг липид, липофил моддалари ва ёғ кислоталари таркибини аниқлаш; кўрсатилган шўрланиш даражаларидаги сув таъсирида ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришлари боғлиқлигини асослаш; тадқиқ этилаётган ўсимликларнинг ҳосилдорлик ва мой сифатини сақлаган ҳолда, туз стрессига кўникиши имкониятига эга бўлган суғориш сувининг шўрланиш даражасини аниқлаш каби ечимларни илмий асослаш амалий аҳамият касб этади.

Республикада шўр Орол бўйи тупроқларида етиштирилаётган доривор ва ёғ маҳсулотлари олиш учун ёғдор ўсимликларни фармакологик, озиқавий таркибларини аниқлаш борасида назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий тузли стресс шароитида ўстирилган сафлор ва уч турдаги крамбе уруғларининг липидлари кимёвий, биологик ва озиқавий хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт анжомларини ишлаб чиқариш ва импорт қилишни бошқариш чора тадбирлари» қарорида белгиланган

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7-февралидаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 – сон фармони

вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади ва 2019 йил 15 февралдаги №-132-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларида «яшил қопламалар»-химоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарорида, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Емирилган ерларни қайта тиклаб уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, энергия русерслари ва ўсимликшунослик маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган муаммолар билан дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларининг мутахассислари шуғулланадилар. Галофитларни ўрганиш ва ўзлаштиришнинг энг йирик марказлари Бен-Гурион номли университет (Беэр-Шева ш, Исроил), Аризона штати университети (АҚШ), қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини ташкил этиш Мексика Маркази, В.Р. Вильямс номидаги Бутунроссия ем-ҳашак ИТИ, К.А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси ҳисобланади. Уруғларнинг ҳосилдорлиги ва ёғлилигига тупроқ ва суғориш сувларининг шўрланиши таъсири муаммоларини ўрганиш билан дунёнинг етакчи олимлари шуғулланадилар: Irving D.W., Cherif A., Heuer B., Glenn E.P., Marques E.C., Feizi M., O’Leary J.W., Dimitrova-Konaklieva S., Misra P.N., Baatour O. Республикаимизнинг мазкур йўналиш ривожланишида Ташмухамедов Б.А., Акжигитова Н.И., Шамсутдинов З.Ш. ва бошқалар сезиларли ҳисса қўшдилар.

Галофит ўсимликлар уруғи липидлари ва уларнинг туз стресси таъсирида ўзгариши бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари бирмунча қарама-қаршиликларга эга. Масалан, айрим муаллифлар суғориш сувлари шўрланиш даражасининг ортиши билан сафлор ер устки қисми массаси, уруғлар миқдори, липидлар умумий миқдорининг камайишига олиб келиши, асосий ёғ кислоталарининг нисбати сезиларли ўзгаришини аниқлаганлар. Туз стресси натижасида сафлор уруғларининг нафақат ёғлилиги, балки биологик фаол кислоталар – линол (18:2) ва линолен (18:3) миқдори ҳам сезиларли камайиши, олеин кислота (18:1) миқдори эса ортиши кўрсатилган. Шу билан бирга, суғориш сувининг юқори шўрланиши уруғлардаги ёғ миқдори ва унинг ёғ кислота таркибига кам таъсир қилиши аниқланган.

Шуларни инобатга олиб, ўсимликлар липид ва липофил компонентлари миқдори, таркиби ва тузилишининг туз стресси таъсирида ўзгарувчанлигини мазкур тадқиқотларда ўрганиш кераклиги юзага келди. Фиторемедиация

учун истиқболли бўлган, шунингдек, озуқа ва доривор аҳамиятга эга ёғли ўсимлик турларини илмий асосланган ҳолда танлаш зарурати пайдо бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-ТО46 «Маҳаллий ҳудуддаги истиқболли техник ва ёввойи ўсимликларнинг биополимерлари ва липидлари тузилиши ва хусусиятларини тадқиқ этиш» (2007-2011); CDR TA-MOU-02-CA22 «Irrigation of *Megacarpaea* and *Crambe* Plants with Brackish Water and its Effect on Seed Lipids and other Lipophylic Components» (Исроил-Ўзбекистон) (2006-2008) фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёғли сафлор ва уч турдаги крамбе ўсимликлари уруғи липидлари, ёғ кислоталари таркибини ва туз стресси шароитида уларнинг ўзгаришларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

электр ўтказувчанлиги  $EC=1,5$  (0,1%); 3,0 (0,2%); 6,0 (0,4%) ва 9,0 (0,6%)  $dS/m^{-1}$  бўлган шўрланган суғориш суви билан химояланган грунт (иссиқхона)да етиштирилган *Carthamus tinctorius* (сафлор) ва *Crambe abyssinica* ўсимликлари уруғининг липидлари, липофил моддалари ва ёғ кислоталарини тадқиқ этиш, кўрсатилган шўрланиш даражаларидаги сув таъсирида ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришларини аниқлаш;

Орол денгизи ҳудудидан келтирилган ва кўрсаткичлари  $EC=1,5$ ; 3,0; 6,0 ва 9,0  $dS/m^{-1}$  бўлган сув билан суғорилган, Ўзбекистонда очик грунтда тупроқда ўстирилган сафлор ва крамбенинг 3 тури ўсимликлари уруғининг липидлари, липофил моддалари ва ёғ кислоталарини тадқиқ этиш, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришини шўр сув таъсирида 2006-2008 йиллар иқлими шароитида аниқлаш;

тадқиқ этилаётган ўсимликларнинг ҳосилдорлик ва мой сифатини сақлаган ҳолда, туз стрессига кўникиши имкониятига эга бўлган суғориш сувининг шўрланиш даражасини аниқлаш, ҳамда Орол денгизи ҳудудида маданийлаштириш учун энг истиқболли турларни танлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** иссиқхонада ва Орол минтақасидан олиб келинган тупроқда ўстирилган *Carthamus tinctorius* L., *C. abyssinica* Hochst., *C. amabilis* L. ва *C. kotschyana* Boiss. ўсимликларининг уруғларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида турли шўрланиш даражасидаги суғориш сувлари билан химояланган ва очик грунтда етиштирилган 4 тур ўсимлик уруғларининг захира липидлари (мой ёки нейтрал липидлар, НЛ), қутбли липидлар (гликолипид ва фосфолипидлардан иборат ҚЛ), липофил моддалар (каротиноидлар, фитостеринлар, тритерпеноллар) ва ёғ кислоталари танланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Липидлар, ёғ кислоталари ва липофил моддаларни ажратиб олиш ҳамда таҳлил қилиш учун липидологиянинг маълум услубларидан фойдаланилган. Липидлар ва ёғ кислоталарининг

таркиби юпқа қатлам, колонкали ва газ-суюқлик хроматографиялари, УБ- ва ИҚ-спектроскопия усуллари билан аниқланган, натижалар “Origin Pro 7.5” дастурини қўллаган ҳолда қайта ишланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Илк бор Орол денгизи ҳудудидан келтирилган очиқ грунтда ва иссиқхона етиштирилган, турли шўрланиш даражасидаги сувлар билан суғорилган, *Carthamus tinctorius* L. (сафлор), *Crambe abyssinica* Hochst, *C. amabilis* L. ва *C. kotschyana* Boiss. ўсимликлари уруғларининг нейтрал, қутбли липидлари ва ёғ кислоталари ҳамда туз стресси таъсирида липидлар таркибидаги фарқлар ва уларнинг ўзгариши аниқланган;

шўрланган суғориш суви таъсири остида липидларнинг миқдорий ўзгариши юзага келади, унга кўра нейтрал липидлар миқдори камаяди, қутбли липидлар улуши ортади ва ёғ кислоталарининг тўйинмаганлик йиғиндиси камайиши асосланган;

грунт сафлори уруғининг липидларида махсус изомер транс-9, транс-11-линол кислотаси миқдори суғориш сувларининг шўрланиш даражаси ошиши билан ортиб бориши топилди, шу асосда уни сафлорнинг тузга кўникишида белги (маркер) сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган.

сафлор ва уч турдаги крамбенинг ўртача даражада  $EC = 6,0 \text{ dS/m}^{-1}$  шўрланган сув билан суғоришга мослашиши ва таркибида юқори миқдордаги ёғ, каротиноидлар, биологик фаол липофил бирикмалар ва тўйинмаган ёғ кислоталари ( $\omega 6$ - 18:2, 11-цис-20:1, 13-цис-22:1) мавжуд яшовчан уруғларни бериши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба крамбенинг уч тури ва ёғли сафлорнинг  $EC 6,0 \text{ dS/m}^{-1}$  бўлган суғориш суви шўрланишига кўникиш хусусияти ва яшовчан уруғ етиштириши аниқланди, бунда уларни Орол ҳудудининг шўрланган тупроғида маданийлаштириш ва халқ хўжалигида қўллаш (озуқа, фармацевтика, косметика, биоёнилғи олиш) имкони яратилган;

тадқиқ этилган ўсимликларни, шунингдек, Орол бўйи экологик вазиятини яхшилашда фитомелиорант сифатида, грунт сувлари сатҳини пасайтиришда, чўлланиш жараёни ва ерлар емирилишини секинлаштиришда ишлатиш имконияти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** липидлар ва липофил бирикмаларни кимёвий, спектрал ва хроматографик таҳлил қилишнинг замонавий лаборатория ускуналаридан фойдаланилганлиги, ҳамда рецензия қилинадиган журналларда чоп этилганлиги ва патент билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Орол денгизи ҳудудидан келтирилган тупроқда иссиқхона ва очиқ грунт шароитида етиштирилган 4 турдаги ёғли ўсимликларнинг липид таркиби ҳақида кимёвий маълумотлар олинганлиги; турли шўрланиш даражасидаги суғориш суви таъсирида липид ва ёғ кислоталари миқдорининг ўзгариш қонунияти аниқланганлиги; маданийлаштирилган сафлор уруғининг липид таркибида илк маротаба ёғ



қатори эпокси- ва гидроксикислоталари қайд этилганлиги ва уларнинг компонент таркиби аниқланганлиги; изомер транс-9, транс-11-линол кислотасини сафлорнинг туз стрессига кўникишида белги бирикма сифатида қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сафлор ва крамбе ўсимликларини Орол бўйи шўрланган ерларида маданийлаштириш уларни қимматли ёғ мойи, озуқа бўёғи, биологик фаол ( $\omega 3$ -,  $\omega 6$ - ва эйкозен ёғ кислоталари) хомашё манбалари сифатида, шунингдек, ушбу шўрланган ерларда фиторемедиатор сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлиши кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади. Озуқавий мойни ишлаб чиқариш усули ва пахта билан сафлор мойининг масса миқдорини аниқлаш қўлланмаси Республиканинг ёғ-мой корхоналарида қўлланилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тузли стресс шароитида ўстирилган сафлор ва уч турдаги крамбе уруғларининг липидлари биологик ва физиологик хусусиятларини аниқлаш доирасида олинган натижалар асосида:

озик-овқат учун ўсимлик ёғини олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 04162, 22.04.2010й). Натижада сафлор мойини олишнинг янги саноат усули ишлаб чиқилди, бу юқори сифатли кислота сони кам озуқа мойини олиш ва саноат ускуналарининг иш унумдорлигини ошириш имконини берган;

йод сони кўрсаткичига қараб пахта ва сафлор мойлари 50:50 нисбатидаги аралашмасида сафлор мойи масса миқдорини ўлчашни қўлланмаси «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (O'z O'U №416:2009). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

Asteraceae ва Brassicaceae оиласи ўсимликларининг туз стрессига кўникиш жараёнида липидларнинг ролини таҳлил қилиш ва маълумотларни умумлаштиришда импакт фактори юқори бўлган (IF, ResearchGate) илмий хорижий журналларда чоп этилган мақолаларда (Journal Citation Reports: Journal of Agronomy and Crop Science, 2015, Vol. 201, No 5, P.368 IF 2.57; Annals of Applied Biology, 2013, Vol. 163, No 2, P.170 IF 2.046; The Crop Journal, 2015, Vol. 3, No 1, P. 57 IF 3.179; American Journal of Plant Sciences, 2015, Vol.6, No 07, P. 839, IF 3.719; Industrial Oil Crops, 2016, Ch.7, P.195 ; Agronomy for Sustainable Development, 2016, 36:6, IF 4.263; Industrial Crops and Products, 2013, Vol.50, P.797, IF 4.191) фойдаланилган. Илмий натижалар асосида чоп этилган маълумотлар липидлар тузилишини аниқлаш, ёғ кислоталари ва липофил бирикмаларни идентификациялаш ҳамда ўсимлик липидлари бўйича илмий материалларни умумлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро симпозиум ва 2 та республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9та мақола, улардан 8таси халқаро, 1таси маҳаллий журналларда нашр этилган. Битта монография чоп қилинган, 1та патент ва ёғ таҳлили услуги учун 1та сертификат олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари тавсифланган; илмий янгилиги, ишнинг амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва нашр этилганлиги, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «**Тузли стресснинг уруғ липидларига таъсири билан боғлиқ муаммоларнинг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ҳар хил стресс ҳолатлари ўсимликнинг турли органларига, айрим ёввойи ва маданийлаштирилган ўсимликлар ҳосилдорлигига, уруғ липидлари таркибига, ер устки қисмлар ва илдизига, ёғ кислоталари, мой таркибига, сув ўтлари липидларига таъсири бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Тадқиқотларнинг асосий қисми натрий, калий, магний ва кальций ионларининг аккумуляцияси, ўсимлик барглари ва новдасидаги нисбати, новдалар ўсиши ва барглар кўламига тупроқ ва сувнинг шўрланиш даражаси таъсирига, хужайра мембранаси липидларини ўрганишга бағишланганлиги кўрсатиб берилган. Уруғларнинг захира липидлари ва мойдаги каротиноидларга стресс ҳолатларининг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар, шунингдек, уруғларнинг нейтрал ва кутбли липидлари ёғ кислоталари таркибига оид изланишлар жуда кам бўлиб, баъзан олинган маълумотлар қарама-қаршидир.

Биз томонимиздан йўналтирилган ишлар сафлорнинг бир тури ва крамбенинг уч тури уруғлари таркибидаги нейтрал ва кутбли липидлар ва ёғ кислоталари миқдорининг, шунингдек, мойдаги каротиноидлар миқдори ўзгаришининг суғориладиган сув шўрланиш даражасига боғлиқлигини тадқиқ этишга қаратилган.

«*Carthamus tinctorius* ва 3 турдаги *Crambe* уруғи липидлари ва уларнинг тузли суғориш суви таъсири остида ўзгариши» деб номланган иккинчи бобида тажрибаларнинг олиб борилиши баён қилинади ва Asteraceae оиласининг *Carthamus tinctorius* L. (сафлор красильный), *Crambe amabilis* Butk. et. Majlun (*C. orientalis* L.), *C. abyssinica* Hochst. ва Brassicaceae оиласи *C. kotschyana* Boiss. ўсимликлари уруғларининг липидларини тадқиқ этиш натижалари, шунингдек, турли шўрланиш даражасидаги сув билан суғорилганда липидларнинг миқдори, таркиби ва тузилиши ўзгариши муҳокама қилинади.

Ўсимликлар 2006 ва 2007 йилларида Бейт Даган шаҳридаги (Исроил) “Вулкани” Марказининг ИТИ Тупроқ, сув ва экология фанлари Институтининг иссиқхонасида туф ва вермикулитдан (1:1) иборат тупроқда, 2007-2008 йилларида эса – ЎзФА ЎМКИ тажриба майдонидаги Орол денгизи ҳудуди грунти тўлдирилган идишларда ўстирилган. Суғоришда ишлатиладиган сувнинг шўрланиши ЕС=1,5 (0,1%); 3,0 (0,2%); 6,0 (0,4%) ва 9,0 (0,6%) dS/m<sup>-1</sup> ни ташкил этди.

Дисертациянинг **иккинчи боби 2.2.1 бўлимида** 2006-2007 йиллари иссиқхонада ва 2007-2008 йиллари очик грунтда шўрланиши 1,5-9,0 dS/m<sup>-1</sup> бўлган суғориш суви таъсирида ўстирилган *Carthamus tinctorius* уруғи липидлари, ёғ кислоталари ва липофил моддаларининг ўзгариши баён қилинади.

Қуйидаги жадвалларда 3-5 маротаба аниқлаш кўрсаткичларининг ўртача қийматлари келтирилган.

1-жадвалда сафлор 100 дона уруғининг массаси бўйича маълумотлари келтирилган.

#### 1-Жадвал

#### Иссиқхона ва очик грунтда ўстирилган сафлорнинг 100 дона уруғи массаси, г

Ўстирилган йили	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
2006	4,8851	4,7678	4,6901	4,6222
2007	6,7800	6,5900	6,1800	6,8000
2007	4,6400	4,0400	3,1000	-
2008	4,3500	2,0000	1,4500	-

1-Жадвал маълумотларидан кўринадики, сафлор уруғларини иссиқхона ва очик грунтда етиштиришда 100 дона уруғ массаси суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортиши билан камаяди, бу ўсимликнинг шўрланиш стрессига кўникиш имкониятининг камайишига далолат қилади. Қайд этиш лозимки, очик грунтда ўстирилган 100 та уруғ массаси иссиқхонада ўстирилган уруғ массасига нисбатан кам бўлади. Ўзбекистонда уруғларни ўстириш учун иссиқхонада етиштирилган намуналар қўлланилганлиги сабабли ёғлиликнинг камайишига тупроқ-иклим шароитининг ўзгарганлиги таъсир қилган деб тахмин қилинди. 2-Жадвалда суғориш сувининг

шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда сафлор уруғларидаги ёғлар миқдори (ёки нейтрал липидлар, НЛ) бўйича маълумотлар келтирилган.

## 2-Жадвал

### Суғриш сувининг шўрланиш даражаси ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда сафлор уруғларининг ёғлилиги, % а.қ.м.

Ўстирилган йили	Суғриш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС= 3,0	ЕС= 6,0	ЕС= 9,0
2006	22,5178	22,7886	26,3026	20,7463
2007	21,4348	22,0168	23,9091	26,6155
2007	26,1725	19,9889	5,3203*	**
2008	20,4064	21,1707	18,7378	**

\* Намунада кўплаб бўш уруғлар қайд этилди (табiiй офат),

\*\* Ўсимликлар нобуд бўлди.

2-Жадвалдаги қийматлар кўрсатадики, турли тупроқ-иқлим шароитида ўстирилган ўсимликлар уруғларида ёғларни ҳар хил тўплайди. Суғриш сувининг шўрланиш даражаси ЕС=6,0 dS/m<sup>-1</sup> гача ортганида иссиқхона уруғларининг ёғлилиги ортади, очиқ грунт уруғларида эса камаёди.

Маълумки, туз стресси куйи ва юқори ўсимликлар баргида каротиноидлар миқдорининг ортишига олиб келади, аммо уруғлардаги каротиноидлар миқдори ҳақида маълумотлар йўқ. Биз ушбу пигментнинг ўзгаришини ўрганилаётган ўсимликлар уруғида суғриш сувининг шўрланиши ва тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгаришини таҳлил қилдик (3-жадвал).

## 3-Жадвал

### Туз стрессиди сафлор уруғининг мойи таркибида каротиноидлар миқдори, мг%

Ўстирилган йили	Суғриш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС= 3,0	ЕС= 6,0	ЕС= 9,0
2006	1,5348	1,0273	0,5787	1,0204
2007	1,8676	2,7108	2,2200	1,4115
2007	3,8975	4,0440	3,6594	-
2008	4,3160	4,5252	4,3952	-

3-Жадвал маълумотларидан кўринадики, уруғлар мойи таркибида каротиноидлар миқдори суғриш сувларининг шўрланиш даражаси ЕС=6,0 dS/m<sup>-1</sup> гача ортганида ошиб боради. Бу ҳолда 2006 йилнинг ўхшаш маълумотлари билан солиштирилганида 2007 йили суғриш сувларининг барча ЕС қийматларида сафлор мойи таркибида каротиноидлар миқдори юқори бўлганлиги кузатилади.

4-Жадвалда туз стресси таъсирида сафлор уруғи таркибидаги нейтрал (НЛ) ва қутбли липидлар (ҚЛ) миқдорининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

#### 4-Жадвал

### Туз стрессада сафлор уруғи таркибидаги НЛ ва ҚЛ миқдори, уруғ массасига нисбатан %

ЕС/ dS/m <sup>-1</sup>	Иссиқхона				Очиқ грунт			
	2006		2007		2006		2007	
	НЛ	ҚЛ	НЛ	ҚЛ	НЛ	ҚЛ	НЛ	ҚЛ
1,5	22,5178	1,2817	21,4348	0,8804	26,1725	1,0003	20,4064	1,0835
3,0	22,7886	1,3936	22,0168	1,0281	19,9889	1,0187	21,1709	1,3269
6,0	26,3026	1,3085	23,9091	1,0554	5,3207	1,2374	18,7394	1,3478
9,0	20,7463	1,4303	26,6155	0,9071	-	-	-	-

4-Жадвалдан кўринадики, сувнинг шўрланиш даражаси ортиши билан иссиқхона ўсимликларида НЛ ва ҚЛ миқдорлари ошади, очиқ грунт намуналарида эса НЛ миқдори камаяди, ҚЛ - ортади. Шундай қилиб, липидлар миқдори орасида маълум баланс кузатилади, бу эса ўсимликнинг туз стрессига кўникишида липидларнинг иштирок этишига далолат қилади.

НЛ да каротиноидлардан ташқари липид бўлмаган липофил биологик фаол компонентлар (ЛфК) тўпланади. Очиқ грунтда ўстирилган сафлор уруғи мойида ЛфК миқдори сувнинг шўрланиши ЕС=1,5 бўлганида 1,13% дан шўрланиш ЕС=6,0 dS/m<sup>-1</sup> бўлганида 1,20% га ортади. 5-Жадвалда ЛфК таркиби келтирилган.

#### 5-Жадвал

### Суғориш сувининг турли шўрланиш даражаларида сафлор липофил моддаларининг таркиби, %

Липофил моддалар	Суғориш сувининг шўрланиши, dS/m <sup>-1</sup>		
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0
Углеводородлар, каротиноидлар	0,15	0,16	0,17
Токофероллар, ёғ спиртлари	0,11	0,09	0,10
Тритерпенлар	0,13	0,13	0,12
Фитостеринлар	0,48	0,51	0,53

6- ва 7-жадвалларда иссиқхона ва очиқ грунт ўсимликлари уруғининг НЛ ва ҚЛ ёғ кислоталари таркиби келтирилган.

#### 6-Жадвал

### Турли шароитларда ҳар хил шўрланиш даражасидаги сув билан суғориб етиштирилган сафлор уруғи НЛ ёғ кислоталарининг таркиби ва миқдори, ГСХ, массадан %

ЕС dS/m <sup>-1</sup>	Йил	14:0	16:0	16:1	18:0	18:1	18:2	Йиғинди	
								Тўйинган н ЁК	Тўйинмаган аган ЁК
1,5	2006	0,29 ±0,0310	6,60 ±0,298	0,57 ±0,0911	2,06 ±0,2442	11,67 ±0,4384	78,81 ±0,4384	8,95 ±0,3025	91,05 ±0,3043

	200	0,29	8,76	0,54	3,14	14,78	72,49	12,19	87,81
	7	±0,0410	±0,6659	±0,0725	±0,5576	±0,8390	±1,3521	±0,9620	±0,9611
	200	0,19	6,78	0,34	1,82±	14,74	76,13	8,79	91,21
	7	±0,0246	±0,2076	±0,0657	0,2270	±1,1989	±1,0490	±0,1588	±0,3269
	200	0,38	8,33	0,63	1,35	15,42	73,89	10,06	89,04
	8	±0,0305	±0,3188	±0,0404	±0,1669	±0,4716	±0,6612	±0,3628	±0,3628
<b>3,0</b>	200	0,29	7,60	0,54	1,92	12,78	76,87	9,81	90,19
	6	±0,0379	±0,2876	±0,0635	±0,1122	±0,3379	±0,4420	±0,2906	±0,2906
	200	0,25	8,80	0,36	2,76	14,66	73,17	11,81	88,19
	7	±0,0265	±0,1622	±0,0262	±0,2727	±0,4987	±0,7076	±0,2232	±0,2232
	200	0,22	7,52	0,33	1,90	15,69	74,34	9,64	90,36
	7	±0,0363	±0,2707	±0,0170	±0,5173	±0,1636	±0,8764	±0,2962	±0,5226
	200	0,21	8,20	0,35	1,63	17,90	71,71	10,04	89,96
	8	±0,0622	±0,4107	±0,0417	±0,4527	±0,7000	±0,5657	±0,6110	±0,6110
<b>6,0</b>	200	0,21	7,68	0,48	2,22	12,61	76,80	10,11	89,89
	6	±0,0218	±0,1510	±0,0309	±0,1197	±0,5617	±0,5682	±0,1664	±0,1664
	200	0,23	7,98	0,40	2,35	11,36	77,68	10,56	89,44
	7	±0,0253	±0,1795	±0,0459	±0,1290	±0,2622	±0,3866	±0,2327	±0,2327
	200	0,36	13,21	0,59	1,70	31,99	52,15	15,27	84,73
	7	±0,0984	±1,3371	±0,1039	±0,4747	±2,762	±1,3667	±1,5564	±1,5564
	200	0,34	8,38	0,77	1,12	14,05	75,34	9,84	90,16
	8	±0,0497	±0,6561	±0,1980	±0,3155	±0,1538	±0,7229	±0,6682	±0,6682
<b>9,0</b>	200	0,27	8,15	0,55	3,25	14,01	73,77	11,67	88,33
	6	±0,0420	±0,0497	±0,0510	±0,3089	±0,2587	±0,8247	±0,7079	±0,7079
	200	0,19	7,87	0,44	1,83	11,05	78,62	9,89	90,11
	7	±0,0178	±0,2849	±0,0471	±0,3219	±0,1325	±0,4435	±0,2949	±0,2949

### 7-Жадвал

**Турли шароитларда ҳар хил шўрланиш даражасидаги сув билан суғориб етиштирилган сафлор уруғи ҚЛ ёғ кислоталарининг таркиби ва миқдори, ГСХ, массадан %**


ЕС dS/m <sup>-1</sup>	Йил	14:0	16:0	16:1	18:0	18:1	18:2	Йиғинди	
								Тўйинган ЁК	Тўйинма- ган ЁК
<b>1,5</b>	2006	0,90 ±0,1879	19,24 ±1,3132	1,35 ±0,1605	4,95 ±0,3719	14,54 ±2,0152	59,02 ±1,5495	25,09 ±1,3825	74,91 ±1,3845
	2007	1,23 ±0,1634	30,63 ±1,0978	1,46 ±0,4086	5,57 ±0,5948	12,45 ±0,4754	48,66 ±1,6845	37,43 ±1,4269	62,57 ±1,4269
	2007	0,33 ±0,0414	26,15 ±0,8401	0,45 ±0,0266	4,06 ±0,3015	7,75 ±0,8575	61,26 ±0,5125	30,54 ±0,9436	69,46 ±0,9436
	2008	0,63 ±0,0802	21,49 ±1,8981	1,29 ±0,1814	2,71 ±0,2375	15,28 ±2,2919	58,60 ±1,1412	24,83 ±1,6778	75,17 ±1,6778
<b>3,0</b>	2006	0,58 ±0,1128	20,96 ±1,2132	1,02 ±0,0812	4,40 ±0,1329	11,16 ±0,6468	61,88 ±1,6647	25,94 ±1,2385	74,06 ±1,2385
	2007	0,71 ±0,1350	27,15 ±0,8178	1,24 ±0,1549	2,59 ±0,1377	12,26 ±0,8606	56,05 ±0,7389	30,45 ±0,9219	69,55 ±0,9187
	2007	0,45 ±0,0433	27,09 ±0,4056	0,68 ±0,1674	4,04 ±0,3287	11,98 ±1,1855	55,76 ±0,5505	31,58 ±0,5916	68,42 ±0,7280
	008	0,28 ±0,0120	25,36 ±1,7821	0,71 ±0,2623	2,16 ±0,4924	12,94 ±0,3929	58,55 ±1,1585	27,80 ±1,5374	72,20 ±1,5374
<b>6,0</b>	2006	0,37 ±0,0544	20,89 ±0,6716	0,97 ±0,0931	4,13 ±0,3326	10,66 ±0,4338	62,98 ±1,3664	25,31 ±0,9857	74,61 ±0,9857

	2007	0,54 ±0,1054	28,04 ±1,2266	0,97 ±0,0836	3,13 ±0,4144	10,20 ±2,0032	57,12 ±2,8825	31,71 ±1,6458	68,29 ±1,6472
	2007	0,67 ±0,0731	30,63 ±0,5518	0,76 ±0,0902	3,71 ±0,9534	17,06 ±0,5122	47,17 ±1,1234	35,01 ±0,6179	64,95 ±0,6322
	2008	0,52 ±0,1317	26,47 ±1,0150	2,62 ±1,0576	3,67 ±0,6217	13,56 ±2,0530	53,16 ±0,5236	30,66 ±1,5711	69,34 ±1,0963
<b>9,0</b>	2006	0,46 ±0,0717	18,78 ±0,6606	1,19 ±0,2508	3,92 ±0,2372	11,07 ±0,6070	64,58 ±0,9042	23,16 ±0,6485	76,84 ±0,6503
	2007	0,41 ±0,0166	29,05 ±1,1211	0,92 ±0,0456	2,58 ±0,3107	7,96 ±0,2472	59,08 ±0,8938	32,04 ±0,9249	67,96 ±0,9249

6- ва 7-жадвал маълумотларидан кўринадикки, асосий тўйинган кислота пальмитин 16:0 бўлиб, унинг катта миқдори асосан ҚЛ да кўзатилади, тўйинмаган ёғ кислоталаридан (ЁК) линол 18:2 ва олеин 18:1 кислоталари доминантлик қилади. Линол кислотаси асосан НЛ таркибида бўлади.

Сувнинг шўрланиш даражаси ортиши билан тўйинган ЁК йиғиндиси ортади, тўйинмаган кислотларнинг йиғиндиси эса камаяди. НЛ ва ҚЛ таркибидаги тўйинган ва тўйинмаган ЁК нисбатини ўзгартирган ҳолда, ўсимлик стресс ҳолатига мослашади. Қайд этиш лозимки, 16:0 кислотаси миқдори ортиши билан 18:2 кислотасининг массаси камаяди.

Очиқ грунтда ўстирилган сафлор уруғининг мойида изомер линол кислотаси топилган бўлиб, қўш боғларнинг туташ тизимига эга, унинг миқдори суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортганида 1,74 дан 2,93% гача ошиб борди.



**1-Расм. Изомер линол кислотасининг тузилиш формуласи, 18:2 (9E, 11E)**

Ушбу маълумотлар асосида биз мазкур изомер кислотани сафлорнинг тузга кўникишида белги бирикма сифатида ишлатиш таклифини бердик.

Туз стрессиша кўниккан сафлор уруғларидан олинган мойнинг қўлланиш соҳаларини аниқлаш мақсадида унинг таркиби ва сотувдаги сафлор мойи ЁК таркибининг солиштирма таҳлили олиб борилди. Иккала мойнинг ЁК таркиби бир хил бўлиб чиқди, демак, шўрланган сув билан суғориб етиштирилган сафлор мойини сотувдаги мой ишлатиладиган халқ хўжалиги соҳаларида қўллаш мумкин.

Олинган тажриба маълумотлари гувоҳлик берадигки, сафлор шўрланиш жаражаси  $EC=6,0 \text{ dS/m}^{-1}$ , бўлган суғориш суви таъсиридаги туз стрессига кўникиш имкониятига эга, бунда ёғлилиги етарли даражада юқори бўлган яшовчан уруғлар олинади.

**2.3 бўлимда** крамбенинг уч тури уруғлари таркибидаги липидларни тадқиқ этиш натижалари келтирилган. **2.3.1** бўлим *Crambe abyssinica* Hochst. уруғларининг липидларини ўрганишга бағишланган. Туз стрессада крамбенинг 100 дона уруғи массасининг ўзгариши 8-жадвалда келтирилган.

### 8-Жадвал

Туз стрессида *Crambe abyssinica* ўсимлиги 100 дона уруғининг массаси, г

Ўстирилган йили	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
2006	0,63	0,62	0,61	0,67
2007	0,87	0,88	0,84	0,75
2007	1,12	0,97	0,80	0,72
2008	1,16	0,98	0,82	0,71

8-жадвал маълумотларидан кўринадики, суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортиши билан 100 дона уруғ массаси камаяди. Бу асосан очик грунт намуналарида яққол сезилади.

### 9-Жадвал

Туз стрессида *Crambe abyssinica* ўсимлиги уруғининг мойида каротиноидлар миқдори, мг%

Ўстирилган йили	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
2006	10,4475	10,9427	11,1760	10,0315
2007	8,2522	6,9626	8,7893	10,3649
2007	20,3919	10,8524	16,4750	21,5194
2008	13,4885	17,5845	17,5147	-

9-жадвалдаги сон қийматлар кўрсатадики, сувнинг шўрланиш даражаси ЕС=6,0 dS/m<sup>-1</sup> гача органида, иссиқхонада етиштирилган крамбе уруғининг мойида каротиноидлар миқдори ортади. Вегетациянинг биринчи йилида очик грунтда етиштирилган уруғлар мойида уларнинг миқдори дастлаб тупроқ-иқлим шароитлари таъсири сабабли анча кам бўлади, вегетациянинг иккинчи йилида эса сувнинг шўрланиш даражаси ортиши билан каротиноидлар миқдори ортади, бунга ўсимликнинг янги тупроқ-иқлим шароитларига мослашганлиги сабаб бўлади. Ушбу маълумотлар сафлор уруғида каротиноидлар миқдорининг ўхшаш тарзда ўзгариши билан мос келади.

Туз стрессининг *C. abyssinica* ўсимлиги уруғидаги нейтрал ва кутбли липидлар миқдорига таъсири 10-жадвалда келтирилган.

### 10-Жадвал

Турли шароитларда етиштирилган *C. abyssinica* ўсимлиги уруғида НЛ ва ҚЛ миқдори, массадан %

Йил	Сувнинг шўрланиш даражаси, ЕС dS/m <sup>-1</sup>							
	1,5		3,0		6,0		9,0	
	НЛ	ҚЛ	НЛ	ҚЛ	НЛ	ҚЛ	НЛ	ҚЛ
2006	21,3074	0,8377	18,8253	0,9050	18,5986	0,9581	18,8456	1,1416
2007	25,5764	1,0998	22,3038	1,1161	21,3403	1,0834	21,0858	1,1286
2007	10,2781	1,0028	9,5328	1,2209	8,3144	1,2988	9,9778	1,4960
2008	16,0775	1,0995	12,0187	1,2250	13,2647	1,2957	-	-




Кўриниб турибдики, суғориш суви шўрланиш даражаси ортиши билан НЛ миқдори камаяди, ҚЛ миқдори эса ортади. Туз стресси таъсирида нейтрал ва қутбли липидлардаги ёғ кислоталари таркибининг ўзгариши 11- ва 12-жадвалларда келтирилган.

### 11-Жадвал

#### Туз стрессида *C. abyssinica* уруғи НЛ ёғ кислоталари таркиби, ГСХ, массадан %

ЕС dS/m <sup>-1</sup>	Йил	14:0	16:0	16:1	18:0	18:1	18:2	18:3	20:1	22:0	22:1	Йиғинди	
												Тўйинган ЁК	Тўйинмаган ЁК
<b>Иссиқхона</b>													
1,5	2006	0,20	3,87	0,63	1,05	37,28	15,18	4,05	8,84	1,04	27,86	6,16	93,84
	2007	0,16	3,23	0,35	0,77	37,92	11,35	4,38	9,83	1,06	30,96	5,22	94,78
3,0	2006	0,21	4,46	0,67	1,21	31,48	17,49	6,82	8,90	1,62	27,14	7,50	92,50
	2007	0,19	4,59	0,52	1,27	31,79	16,24	8,15	8,16	1,98	27,11	8,03	91,97
6,0	2006	0,17	4,55	0,88	1,48	29,95	16,42	6,01	10,80	0,86	28,88	7,06	92,94
	2007	0,16	3,51	0,31	0,76	38,24	11,38	4,50	10,10	1,27	29,77	5,70	94,30
9,0	2006	0,31	5,43	0,58	1,76	37,41	15,17	4,87	8,34	1,18	24,95	8,68	91,32
	2007	0,25	5,41	0,51	0,85	32,09	17,77	8,12	8,68	1,34	24,98	7,85	92,15
<b>Очиқ грунт</b>													
1,5	2007	0,18	4,31	0,81	1,18	33,27	16,49	5,91	10,79	0,77	26,28	6,44	93,55
	2008	0,14	3,27	0,40	0,72	38,04	11,97	4,95	9,48	1,06	29,97	5,19	94,81
3,0	2007	0,21	4,60	0,76	1,80	34,96	14,39	5,92	8,87	2,08	26,41	8,69	91,31
	2008	0,20	4,65	0,34	0,79	28,57	24,24	7,59	7,82	1,04	24,76	6,68	93,32
6,0	2007	0,21	4,60	0,76	1,80	34,96	14,39	5,92	8,87	2,08	26,41	8,69	91,31
	2008	0,16	3,24	0,27	0,97	39,39	11,25	3,60	8,26	1,40	31,46	5,77	94,23
9,0	2007	0,35	5,48	0,78	1,27	33,17	16,75	6,26	9,75	1,95	24,24	9,05	90,95

Ушбу жадвалдан кўринадикки, сувнинг шўрланиш даражаси ортганида тўйинган ёғ кислоталари миқдори ошиб боради, тўйинмаган кислоталар йиғинди миқдори эса камаяди. 18:1, 18:2 ва 22:1 асосий кислоталар ҳисобланади. Қайд этиш лозимки, карамгулдошлар оиласига хос бўлган эрук кислотаси (22:1) улуши 25% дан ортиқни ташкил этади.



2-Расм. Эрук кислотасининг тузилиш формуласи, цис-13-22:1

Қутбли липидларнинг ёғ кислоталари таркиби 12-жадвалда келтирилган.

12-Жадвал

Турли шароитларда ўстирилган *C. abyssinica* уруғлари ҚЛнинг ёғ кислоталари таркиби, ГСХ, массадан %

ЕС dS/m <sup>-1</sup>	Йил	14:0	16:0	16:1	18:0	18:1	18:2	18:3	20:1	22:0	22:1	Йиғинди	
												Тўйин н-ган ЁК	Тўйин - маган ЁК
<b>Иссиқхона</b>													
1,5	2006	0,40	18,61	1,91	2,54	28,12	31,67	6,50	3,84	0,78	5,63	22,33	77,67
	2007	0,24	14,25	1,73	0,86	39,61	27,78	4,63	4,14	0,87	5,89	16,22	83,78
3,0	2006	0,44	20,98	4,66	2,87	21,44	33,16	8,23	3,18	1,49	3,05	26,28	73,72
	2007	0,27	23,22	2,20	2,97	21,49	34,64	7,84	3,41	1,83	2,12	28,29	71,71
6,0	2006	0,36	18,06	1,97	2,71	28,39	32,38	7,31	4,02	0,65	4,15	21,78	78,22
	2007	0,25	16,72	1,87	0,76	39,33	28,49	4,32	3,35	0,69	4,22	18,42	81,58
9,0	2006	0,73	24,00	3,81	4,22	19,29	29,13	7,50	3,46	2,39	5,47	31,34	68,66
	2007	0,36	19,27	2,11	2,44	23,73	38,63	6,99	2,18	1,66	2,64	23,73	76,27
<b>Очиқ грунт</b>													
1,5	2007	0,38	16,24	2,17	2,14	31,83	31,31	6,81	3,95	0,78	4,39	19,54	80,46
	2008	0,32	15,62	2,16	1,07	36,87	29,17	5,36	4,02	0,88	4,53	17,89	82,11
3,0	2007	0,54	19,94	4,61	3,53	20,67	33,21	9,14	2,68	2,07	3,61	26,08	73,92
	2008	0,36	17,77	2,75	3,00	23,58	36,75	7,21	2,43	2,15	4,00	23,28	76,72
6,0	2007	0,29	16,88	2,13	2,01	29,46	34,34	7,64	3,42	0,64	3,19	19,82	80,18
	2008	0,20	16,95	1,18	0,53	34,06	32,48	5,80	3,86	0,66	4,28	18,34	81,66
9,0	2007	0,70	23,96	2,97	3,67	18,67	32,91	8,85	2,49	2,08	3,70	30,41	69,59
	2008	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

12-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортганида тўйинмаган ЁК миқдори камаяди, тўйинганларининг миқдори эса ортади. 16:0, 18:1 ва 18:2 кислоталари доминант ҳисобланади. Эрук кислотасининг 22:1 ҚЛдаги миқдори НЛдагига нисбатан сезиларли даражада кам, 16:0 кислотаси эса асосан ҚЛда тўпланган. Тўйинган ва тўйинмаган ЁК миқдорлари орасидаги баланс НЛ да ҳам, ҚЛда ҳам сақланиб қолади.

Шундай қилиб, *Crambe abyssinica* уруғи липидларини тадқиқ этиш натижалари ушбу ўсимликнинг ЕС=6,0 dS/m<sup>-1</sup> гача бўлган туз стрессига кўника олганлигини тасдиқлайди, чунки ўсимликнинг кейинги авлоди кўпайиши учун яшовчан мой таркиби юқори уруғлар беради.

2.3.2 ва 2.3.3 бўлимлари *Crambe amabilis* L. ва *Crambe kotschyana* уруғларининг липидларини тадқиқ этиш натижаларини ўз ичига олади. *Crambe* туркумининг ушбу икки тури Ўзбекистонда фақат очиқ грунтда етиштирилди, улар экишнинг иккинчи йилида ҳосилга кирди. 13-Жадвалда турли шўрланиш даражасидаги сув билан суғориб олинган 100 дона уруғ массаси бўйича маълумотлар келтирилган.

**13-Жадвал**

Туз стрессида *C. amabilis* ва *C. kotschyana* 100 дона уруғи массаси, г

Ўсимлик тури	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
<i>Crambe amabilis</i>	0,88	0,88	0,82	0,72
<i>Crambe kotschyana</i>	0,76	0,67	0,62	0,61

13-Жадвалдан кўринадикки, ушбу ўсимликлар уруғининг массаси суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортганида кам ўзгаради.

14-Жадвалда сувнинг шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда ушбу турларда уруғларнинг ёғлилиги (НЛ) ўзгариши келтирилган.

**14-Жадвал**

Туз стрессида *C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғларининг мойи таркиби, уруғ массасидан %

Ўсимлик тури	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
<i>Crambe amabilis</i>	20,2608	19,7737	16,1563	14,6576
<i>Crambe kotschyana</i>	19,3843	18,3260	16,7933	14,7390

Натижалар сувнинг шўрланиш даражаси ортиши билан крамбенинг икки турида уруғлар ёғлилиги камайишини кўрсатади. 14-жадвалда крамбенинг икки тури уруғининг мойи таркибида каротиноидларнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**15-Жадвал**

Туз стрессида *C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғлари мойи таркибидаги каротиноидлар миқдори, мг%

Ўсимлик тури	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
<i>Crambe amabilis</i>	11,9916	13,0676	11,2240	10,5844
<i>Crambe kotschyana</i>	21,5451	21,6653	20,1322	18,7177

Ушбу жадвалдаги сон қийматларидан кўринадикки, суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортиши билан *Crambe* икки турининг уруғлари мойи таркибидаги каротиноидлар миқдори камаяди. Икки тур ўсимликнинг уруғларидаги қутбли липидлар миқдорининг ўзгариши 16-жадвалда келтирилган.

16-Жадвал

Туз стрессиди *C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғларидаги кутбли  
липидларнинг таркиби, массадан %

Ўсимлик тури	Суғориш сувининг шўрланиш даражаси, dS/m <sup>-1</sup>			
	ЕС=1,5	ЕС=3,0	ЕС=6,0	ЕС=9,0
<i>Crambe amabilis</i>	0,9968	1,2190	1,3983	1,4431
<i>Crambe kotschyana</i>	1,5372	1,4456	1,6681	1,7478

14- ва 16-жадвалларнинг маълумотларини солиштириб кўриш мумкинки, суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортиб бориши билан НЛ миқдори (ёғлилиги) камаяди, ҚЛ (фосфо- ва гликолипидлар) массаси эса ортади, яъни олдин ушбу гуруҳ липидлари миқдори орасида аниқланган баланс (мувозанат) сақланади.

*C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғлари НЛ ва ҚЛ ёғ кислоталарининг таркиби 11- ва 18-жадвалларда келтирилган.

17-Жадвал

Туз стрессиди *C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғлари нейтрал  
липидларининг ёғ кислоталари таркиби, ГСХ, массадан %

Тур <i>Crambe</i>	ЕС, dS/m <sup>-1</sup>	Ёғ кислоталари										Йиғинди	
		14:0	16:0	16:1	18:0	18:1	18:2	18:3	20:1	22:0	22:1	Тўйин н-ган ЁК	Тўйин н-маган ЁК
		<i>amabilis</i>	1,5	0,12	2,15	0,21	0,27	22,21	18,42	4,82	18,21		
	3,0	0,14	3,49	0,37	0,25	18,51	19,95	7,27	20,09	1,48	28,45	5,36	94,64
	6,0	0,17	3,57	0,39	0,52	22,79	17,87	5,79	18,31	1,03	29,56	5,29	94,71
	9,0	0,16	2,97	0,35	0,56	24,73	14,55	4,12	18,03	1,21	33,32	4,90	95,10
<i>kotschyana</i>	1,5	0,13	2,71	0,25	0,48	23,21	12,62	5,12	18,96	1,09	35,43	4,41	95,59
	3,0	0,14	2,64	0,28	0,44	24,14	12,21	4,87	19,07	1,13	35,08	4,35	95,65
	6,0	0,16	3,72	0,36	0,36	24,43	16,88	5,49	16,87	1,19	30,54	5,43	94,57
	9,0	0,14	3,52	0,40	0,38	21,27	19,34	6,09	16,63	1,58	30,65	5,62	94,38

18-Жадвал

Туз стрессиди *C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғлари кутбли  
липидларининг ёғ кислоталари таркиби, ГСХ, массадан %

Тур <i>Crambe</i>	ЕС, dS/m <sup>-1</sup>	Ёғ кислоталари										Йиғинди	
		14:0	16:0	16:1	18:0	18:1	18:2	18:3	20:1	20:0	22:1	Тўйин н-ган ЁК	Тўйин н-маган ЁК
		<i>amabilis</i>	1,5	0,37	17,41	0,92	0,90	24,65	30,14	7,27	7,47		
	3,0	0,53	22,45	1,05	0,67	17,82	35,45	12,51	4,32	1,24	3,96	24,89	75,11
	6,0	0,27	20,59	0,87	1,07	26,43	32,98	8,10	4,40	1,22	4,07	23,15	76,85
	9,0	0,34	22,82	1,19	1,96	22,58	31,22	7,98	3,87	1,53	6,51	26,65	73,35
<i>kotschyana</i>	1,5	0,26	17,90	1,02	0,58	25,63	33,40	12,23	5,21	1,14	2,63	19,88	80,13
	3,0	0,35	18,04	1,00	0,71	27,57	29,40	11,21	5,18	1,13	5,41	20,23	79,77
	6,0	0,33	21,54	0,85	0,85	23,40	35,76	10,57	3,40	0,66	2,64	23,38	76,62
	9,0	0,37	26,59	1,19	1,26	19,90	32,85	10,38	3,58	0,76	3,12	28,98	71,02

Ушбу жадвалдаги сонлардан кўринадики, тадқиқ этилган крамбенинг турлари уруғларининг нейтрал ва қутбли липидлари ЁКнинг сифат таркиби амалда бир хил ва табиий шароитларда ўсадиган айнан шундай ўсимликларнинг адабиёт маълумотлари билан солиштириладиган даражада, бу *C. amabilis* ва *C. kotschyana* мойларини халқ хўжалигининг айна шундай соҳаларида қўллаш мумкин деб ҳисоблаш имконини беради.

Нейтрал липидлар таркибида тўйинган ёғ кислоталари оз миқдорда учраган бўлса, уларнинг миқдори қутбли липидларда кўпроқ кузатилади. Эрук кислотаси асосан НЛ таркибида йиғилади ва суғориш сувининг шўрланиш даражаси ортиб бориши билан унинг миқдори камаяди.

Олинган натижалар крамбе ўсимлиги турларининг, айниқса, *C. amabilis* тури, туз стрессига кўника олиш хусусияти мавжудлигига далолат қилади, чунки улар яхши сифатдаги яшовчан уруғлар беради.

Диссертациянинг учинчи бобида мазкур ишда қўлланилган ускуналар, КХ ва ЮҚХ учун эритувчилар системаси, иссиқхона ва очик грунтда ўсимликларни етиштириш усуллари, материаллар ва реактивлар, ажратиш шароитлари, липидлар ва ёғ кислоталарини ажратиш ва таҳлил қилиш келтирилган.

## ХУЛОСА

1. Илк маротаба Орол денгизи ҳудудидан келтирилиб, иссиқхона ва очик грунтда, турли даражада шўрланган сув билан суғориб ўстирилган *Carthamus tinctorius* L. (сафлор), *Crambe abyssinica* Hochst, *C. amabilis* L. ва *C. kotschyana* Boiss. ўсимликлари уруғининг нейтрал ва қутбли липидлари, ёғ кислоталари, туз стресси таъсирида липидлар таркибидаги фарқлар ва уларнинг ўзгариши билан изоҳланади.

2. Шўрланган суғориш суви таъсирида липидлар ва ёғ кислоталари миқдорий ўзгаришларининг қонунияти топилди, унга кўра нейтрал липидларнинг миқдори камаяди, қутбли липидларнинг ҳиссаси ортади ва уларнинг ёғ кислоталари йиғинди тўйинмаганлиги камаяди.

3. Туз стресси *Carthamus tinctorius* мойида липофил моддалар миқдори фитостеринлар углеводородлар ҳисобига ортишига олиб келиши кузатилди.

4. Ўзбекистонда етиштирилган сафлор уруғи липидлари таркибида илк маротаба йиғинди миқдори 0,44% бўлган табиий эпокси- ва гидроксикислоталар аниқланди ва идентификация қилинди.

5. Кўрсатиб берилдики, грунт сафлори уруғининг мойи таркибида махсус изомер транс-9, транс-11-линол кислотаси миқдори суғориш сувининг шўрланиш даражаси ошиши билан ортади, шу асосда мазкур кислотани сафлорнинг тузга кўникишида қўшимча хемотаксономик белги (маркер) сифатида қўллаш мумкинлиги тавсия этилди.

6. *Crambe abyssinica* ўсимлигини, шунингдек сафлорда бўлгани каби, кам шўрланган сув билан суғориш, уруғларнинг массаси ва ёғлилигини камайтириши, каротиноидлар ва қутбли липидлар миқдорини ошириши,

аммо мойдаги ёғ кислоталарининг миқдорий таркибини ўзгартирмаслиги кўрсатилади.

7. *C. amabilis* ва *C. kotschyana* уруғлари мойи антимикроб фаолликдаги 18% дан ортиқ 11-цис–эйкозен кислота (20:1) сақлайди, кам шўрланган сув билан суғорилганда унинг миқдори *C. amabilis* мойида ўзгаришсиз қолади, *C. kotschyana* мойида эса 2% га камаяди.

8. Олинган натижалар тадқиқ этилган ўсимликларнинг  $EC=6,0 \text{ dS/m}^{-1}$  бўлган кам шўрланган сув билан суғоришга кўникиш хусусиятига эгаллигига далолат қилади, етарлича миқдордаги мой, каротиноидлар, биологик фаол липофил компонентлар ва ёғ кислоталари (омега-6 18:2, 11-цис-20:1, 22:1) сақлайдиган яшовчан уруғлар беради, бу ушбу ўсимликларни Орол бўйи шўрланган ерларида фиторемедиация учун қўллаш, уларнинг мойларини халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.К.05.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ЮЛДАШЕВА НИГОРА КАРИМОВНА**

**ЛИПИДЫ СЕМЯН САФЛОРА И ТРЕХ ВИДОВ КРАМБЕ,  
ВЫРАЩЕННЫХ В УСЛОВИЯХ СОЛЕВОГО СТРЕССА**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2019**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4.PhD/Т864.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ им. С.Ю Юнусова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Гусакова Светлана Дмитриевна  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Арипова Салимахон Фозиловна  
доктор химических наук, профессор

Бобоев Бахром Нуриллаевич  
доктор химических наук

**Ведущая организация:** Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «28» декабря 2019 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.K.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Муррабийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-91).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № 30). Адрес: 100125, г. Фергана, ул. Муррабийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02; факс: (+99873) 244-44-91, e-mail: [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «14» декабря 2019 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «14» декабря 2019 года).



**В.У. Хужаев**  
Председатель Научного Совета по  
присуждению ученых степеней, д.х.н.,  
профессор

**М. Нишонов**  
Ученый секретарь Научного Совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

**И.А. Абдугафуров**  
Председатель Научного Семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.х.н.



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время установлено, что засоление территорий приводит к снижению продуктивности агро- и биоценозов, падению биоразнообразия и экономическим потерям. Поэтому одним из главных направлений в аграрном производстве является поиск путей восстановления и использования засоленных территорий и поливных соленых вод для производства пищевых, кормовых и технических продуктов. Для решения этой проблемы важным являются изучение механизмов адаптации растений к солевому стрессу и выбор перспективных их видов, способных реставрировать деградированные земли.

Одним из признанных в мире способов восстановления засоленных почв заключается в выращивании таких видов растений, которые могут служить не только в качестве фиторемедиаторов, но и могут иметь пищевое, фармацевтическое и кормовое значение. Для научно-обоснованного выбора таких галофитных растений, как *Carthamus tinctorius* (сафлор), виды *Crambe*, необходимо изучить химический состав и биологические свойства их семян, содержание липидов, липофильных веществ, набор жирных кислот, зависимость этих показателей от солености поливной воды. Необходимо определить уровень солености поливной воды, к которому исследуемые растения могут адаптироваться к солевому стрессу при сохранении урожайности и качества масла семян.

В республике достигнуты определенные теоретические и практические результаты по химическому составу масличных и технических культур, намечены пути для производства пищевых и лекарственных продуктов из растений, перспективных для выращивания на засоленных почвах Аральского региона. В четвертом направлении стратегии действий<sup>1</sup> «по дальнейшему развитию Узбекистана определены приоритетные задачи по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений доступными и эффективными лекарственными средствами». В связи с этим, важно проводить научные исследования для определения биологических и фармакологических свойств липидов сафлора и трех видов семян крамбе, выращенных в условиях местного солевого стресса. В связи с этим, важно провести научные исследования для химических, биологических и пищевых свойств липидов сафлора и трех видов семян крамбе, выращенных в условиях местного солевого стресса.

